

# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • E-mail: Info@xs.uz • 2012 йил 8 февраль, № 27 (5447) Чоршанба


Ўзбекистон — Жанубий Корея:

## СИНАЛГАН ВА ИШОНЧЛИ СТРАТЕГИК ШЕРИКЛАР

***Яқинда Жанубий Кореяда нашр этиладиган оммабоп журналлар — "The Korea Times" ва "The Korea Post" журналлари саҳифаларида Ўзбекистон Республикаси ҳамда Корея Республикаси ўртасида дипломатия муносабатлари ўрнатилганининг 20 йиллигига бағишланган мақола эълон қилинди.***

Эътироф

Ранг-баранг суратлар билан безатилган мазкур мақолада, асосан, мамлакатларимиз ўртасида ўрнатилган муносабатларнинг тарихи қаламга олинган.

Маълумки, давлатларимиз ўртасидаги икки томонлама алоқалар ривожига Корея Республикаси биринчилардан бўлиб Ўзбекистон мустақиллигини эътироф этган кун — 1991 йил 30 декабрда асос солинган. Дипломатия муносабатлари эса 1992 йил 29 январда ўрнатилди. Шундан буён икки давлат ўртасида фаол сиёсий мулоқотлар давом этиб келади. Ўтган давр ичида олий даражадаги ўн битта учрашув бўлиб ўтгани ана шу фаолликнинг яққол тасдиғидир.

Мақолада қайд этилганидек, тарихан қисқа давр мобайнида Ўзбекистон ва Корея Республикаси сиёсий, савдо-сармоявий ҳамда маданий-гуманитар йўналишларда-ги ўзаро манфаатли ҳамкорлик бўйича салмоқли тажриба тўпладилар, бу икки мамлакатнинг келажакда ҳам амалга ошириладиган узоқ муддатли лойиҳалари учун мустаҳкам асос бўлиб хизмат қилади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 2006 йил март ойида Корея Республикасига давлат ташрифи чоғида Ўзбекистон — Жанубий Корея ўртасидаги кўп томонлама муносабатларни кенгайтириш ва чуқурлаштиришга жиддий туртки бергани ҳолда, ҳамкорликни сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиққан муҳим ҳужжат — "Корея Республикаси ва Ўзбекистон Республикаси ўртасидаги стратегик шериклик тўғрисидаги Қўшма декларация" имзоланган эди.

Ўзбекистон ва Жанубий Корея бир-бирининг минтақавий ҳамда халқаро аҳамиятга молик долзарб масалалар юзасидан ёндашувлари-ни қўллаб-қувватлаб келмоқда. Ўзбекистон Корея Республикасининг ривожланган ва ривожланаётган давлатлар ўртасидаги мулоқотда фаол воситачи ролини мустаҳкамлаган ҳамда унинг халқаро майдондаги нуфузи янада ошишига хизмат қилган тадбир — 2010 йил ноябрда Сеулда бўлиб ўтган "Катта йигирмалик" саммитининг муваффақиятли натижаларини маъқуллади.

Мақолада таъкидланишича, Ўзбекистон Марказий Осиёда ядро қуролидан холи ҳудудни яратиш ташаббускори сифатида Корея ярим оролининг ядросиз мақомини қатъий равишда қўллаб-қувватлайди.

Мамлакатларимиз парламентлараро ҳамкорликни ривожлантириш соҳасида ҳам катта муваффақиятларга эришдилар. 1995 йилда Корея Республикасининг Миллий Ассамблеясида "Корея Республикаси — Ўзбекистон" дўстлик парламент уюшмаси ташкил этилди. 2005 йилда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасида Корея Республикаси билан ҳамкорлик қилиш бўйича ҳамкорлик гуруҳи ўз фаолиятини бошлади.

(Давоми 2-бетда).

Тақдимот

***Жорий йилда таваллудининг 571 йиллиги нишонланаётган ҳазрат Алишер Навоийнинг ижодий мероси авлодлар учун ҳамиша ибратлидир. Ул зотнинг асарларида инсонпарварлик, дўстлик, севги, адолат каби тамойиллар ўзининг муносиб ифодасини топган.***

## БЕБАҲО ИЖОД НАМУНАСИ

Юртимизда Алишер Навоий асарларини кенг ўрганиш, айниқса, ёшларимизни бу бебаҳо мероcдан бохабар этишга алоҳида эътибор қаратилаётгани бежиз эмас. Зеро, халқимиз ёруғ ва буюк келажакни ният қилиб олдинга интилмоқда. Келажакка эса юксак маънавиятсиз одимлаб бўлмайди. Маънавий-ахлоқий тарбияда Навоийдек алломаларнинг ибрати беқиёсдир.

Кеча Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи томонидан Алишер Навоийнинг 10 жилдлик тўла асарлари тўплами тақдимотига бағишланган тадбирда ҳам ана шу ҳақда сўз борди. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, Матбуот ва ахборот агентлиги, Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси ҳамда Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи ҳамкорлигида ташкил этилган ушбу тадбирда навоийшунос олимлар, шоир ва ёзувчилар, олий ўқув юртлари профессор-ўқитувчилари ҳамда талаба-ёшлар иштирок этди.

Тадбирда сўзга чиққанлар истиқлол йилларида маънавий меросимизни асрабавайлаш ва тарғиб этиш, буюк алломаларнинг асарларини ўрганиш, уларни ёшлар онгига сингдириш борасида улкан ислоҳотлар амалга оширилаётганини таъкидладилар. Хусусан, Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси директори А. Умаров, Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ шоири А. Орипов ва бошқалар мамлакатимизда Президентимиз Ислом Каримов раҳномолигида маънавиятни юксалтириш йўлида амалга

(Давоми 2-бетда).

## Мамлакатимизда:

### Воқеалар, янгиликлар, хабарлар

Бухоро

*Бухоро туманидаги "Маданият Артекс" қўшма корхонасида модернизациялаш тадбирларини амалга ошириш ҳисобига кейинги беш йил давомида ишлаб чиқариш ҳажми беш бараварадан зиёд кўпайди.*

### Беш баробар ўсиш

Хусусан, нотўқима маҳсулотлар, шунингдек, калава ип, кўлкоп ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган мазкур корхонада 2007 йилда 160 минг АҚШ долларилик маҳсулот тайёрланган бўлса, 2011 йилга келиб, бу кўрсаткич 833 минг долларга етди. Унинг тўлиқ экспортга жўнатилаётгани ҳам эътиборга лойиқдир. Яқинда бу ерга 150 минг АҚШ доллари эвазига янги хорижий технология ўрнатилди. Бу 15 та қўшимча иш ўрни яратиш имконини берди.

Айтиш жоизки, ўтган йили вилоятда саноат салоҳиятини ошириш ҳамда соҳани ривожлантириш дастури доирасида юздан зиёд лойиҳа ҳаётга татбиқ этилди.

**И. ИБРОҲИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

Жиззах

*Вилоятда ўтган йили Бандлик дастури ижросини таъминлаш бўйича олиб борилган саъй-ҳаракатлар туфайли салкам 44 мингта иш ўрни яратилди ва уларнинг 64 фоизи қишлоқ жойларга тўғри келди.*

### Қишлоқда янги иш ўринлари

Биргина Янгиобод туманида "Янгиобод чеварлари" масъулияти чекланган жамияти иш бошлагач, 75 нафар қишлоқ ёшлари доимий даромад манбаига эга бўлди. Мазкур лойиҳани амалга оширишда банкнинг 57 миллион сўмлик кредитидан ҳам фойдаланилди. Ҳозир корхонада ойига 25 — 30 минг дона кийим-кечак тайёрланмоқда. Умуман, жамоа томонидан ўтган қисқа даврда 450 миллион сўмликдан ортиқ тайёр маҳсулот харидорларга етказиб берилди.

**У. АДИЛОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

Сурхондарё

*Узун туманидаги "Оятулло-Амрулло" хусусий корхонасида йилига 4 минг квадрат метр ҳажмда алюмин эшик ва дераза ромларини ишлаб чиқаришга мўлжалланган замонавий технологик линия ишга туширилди.*

### Бежирим, сифатли, харидоргир

Ҳозир ўнга яқин киши меҳнат қилаётган корхона маҳсулотлари ҳудуддаги қурилиш ташкилотларига маъқул келмоқда.

Туманда ўтган йили қурилиш материаллари ва мебель жиҳозлари ишлаб чиқарадиган корхоналар сони 13 тага етиши натижасида 250 дан ортиқ қўшимча иш ўринлари яратилди.

**Н. ТЕМИРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

Тошкент вилояти

*Ўтган йили Бўстонлиқ туманидаги 5 та касб-ҳунар коллежи битирувчиларининг 1200 га яқини ўз мутахассислиги бўйича ишга жойлашди. Бандликни таъминлаш жойларда ўтказилаётган меҳнат ярмаркалари катта самара бермоқда.*

### Битирувчиларга йўлланма

Хусусан, ана шундай тадбирлардан бири Ғазалкент хизмат кўрсатиш ва иқтисодиёт касб-ҳунар коллежида бўлиб ўтди. Туман Бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази қатор ташкилотлар билан ҳамкорликда уюштирган ушбу ярмаркада ҳудуддаги 30 га яқин корхона томонидан 500 дан ортиқ бўш иш ўринлари таклиф этилди. Якунда 200 нафардан зиёд битирувчига ишга жойлашиш учун йўлланма берилди.

**Ғ. ШЕРАЛИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

Фахр

***Эртамиз эгаларини Ватанга садоқатли, мард ва жасур инсонлар қилиб тарбиялашда чинакам ҳаёт мактаби, дея таъриф берилаётган миллий армиямизнинг алоҳида ўрни бор.***

## МАРДЛИК ФАЗИЛАТЛАРИНИ ТАРБИЯЛОВЧИ МАКТАБ

Ўтган йигирма йил давомида Президентимиз раҳнамолигида ҳаётга татбиқ этилган кенг кўламли ислоҳотлар туфайли мамлакатимиз хавфсизлиги ва барқарорлигини, сарҳадларимиз дахлсизлигини ишончли ҳимоя қилишга қодир бўлган, ихчам, тезкор, замонавий қуроляроғ ҳамда ҳарбий техника билан таъминланган Қуролли Кучларимиз шакллантирилди. Муддатли ҳарбий хизматнинг бир йил этиб белгиланган, муддатли ҳарбий хизматга чақирувнинг йилда бир марта ташкил этилаётгани, сафарбарлик чақирув резервидаги хизмат-нинг жорий қилингани армиямизнинг қиёфасини, унинг имкониятларини тубдан ўзгартирди. Энг муҳими, жамиятимизда ҳарбий хизматга бўлган ишонч ва ҳурмат туйғуси ошди. Эндиликда Қуролли Кучларимиз сафларида хизмат қилиш Ўзбекистон фуқаролари учун нафақат конституциявий бурч, балки чин маънодаги шон-шараф ишига айланди. Шу боис ҳам улғайиб, камолга етган ҳар бир йигит ўз хоҳиш-иродаси билан ана шу муқаддас вазифани адо этишга интилмоқда.

(Давоми 2-бетда).

## НАТИЖАЛАР ТАҲЛИЛ ҚИЛИНДИ, ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАБ ОЛИНДИ

***НАВОИЙ вилоятида 2011 йилда вилоятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2012 йилдаги энг муҳим устувор вазифалар муҳокамасига бағишланган фаоллар йиғилиши бўлиб ўтди.***

Фаоллар йиғилиши

Вилоят ҳокими Э. Турдимов бошқарган йиғилишда мамлакатимизда инқирозга қарши чоралар дастурининг изчил амалга оширилиши натижасида вилоятда барқарор ўсиш суръатлари таъминланиб, ялпи ҳудудий маҳсулотнинг 6,1 фоизга ўсишига эришилгани таъкидланди. Жумладан, қишлоқ хўжалигида 8,2, чакана савдо айланмасида 18,6, пуллик хизматлар кўрсатишда 12,6, пудрат ишларида 23,4 ҳамда истеъмол молларии ишлаб чиқаришда 19,3 фоиз ўсиш суръатларига эришилди.

Бундан ташқари, ўтган йили саноат тармоғида 20 га яқин янги хилдаги маҳсулотлар тайёрлайдиган корхоналар ишга туширилди. Вилоятда 2011 йилда 32 турдаги тайёр маҳсулотлар экспорти йўлга қўйилиб, буларнинг ҳажми 2010 йилдагига нисбатан 15,5 фоизга кўпайди.

Йиғилишда банк-молия тизими барқарорлигини таъминлаш, уларнинг низом жамғармасини ошириш, аҳоли ва юридик шахсларнинг бўш маблағларини омонатга кенг

(Давоми 2-бетда).

## ИСТЕЪДОДЛИ ЁШЛАР

### эртанги кунимизнинг ҳал қилувчи кучидир



Кадрлар тайёрлаш миллий дастури

***Ёшларимиз истеъдод, билим ва интеллектуал салоҳият бобида ҳеч кимдан кам бўлмасликка интилмоқдалар. Бу, албатта, юртимизда навқирон авлод вакилларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг иқтидорини кашф этиш ва юзага чиқаришга юксак эътибор қаратилаётганлиги самарасидир.***

Зеро, мамлакатимизда Кадрлар тайёрлаш миллий дастурига мувофиқ, умумтаълим мактабларидан тортиб, ўрта махсус касб-ҳунар ўқув масканларигача — барчасида таълимнинг янгича, ўзига хос услублари жорий қилинди. Айни жиҳат эса интилувчан ёшларнинг ютуқ ҳамда муваффақиятларга эришишини таъминлаш, жамиятнинг турли жабҳаларида хизмат қиладиган етук малакали мутахассислар тайёрлашда беқиёс аҳамият касб этаётир.

Президентимиз раҳнамолигида мусиқа ва санъатга ихтисослаштирилган ўқув даргоҳларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, шунингдек, мазкур таълим масканларида сабоқ олаётган интилувчан ёшларнинг истеъдодини сайқал топтириш борасида амалга оширилаётган чора-тадбирлар юксак самара бераётганлиги ҳам юқоридаги фикрнинг тасдиғи бўла олади. Бинобарин, санъат йўналишидаги таълим даргоҳларида ёш авлод-ни юксак маънавий фазилатлар руҳида тарбиялашга қаратилган кўпгина ибратли ишлар қилинди. Буғунги кунда ёшларимиз миллий ҳамда замонавий санъат турларига оид қатор мутахассисликлар бўйича пухта билим, кенг тушунча ва аниқ тасаввурга эга бўлиб бормоқдалар.

Ўзбекистон Бадиий академиясига тасарруфидаги Республика рассомлик коллежи фаолияти билан яқиндан танишар эканмиз, бунга яна бир бор амин бўлдик. Таълим даргоҳида бўлажак рассомларнинг замонавий шарт-шароитда ижод қилиши учун барча қулайлик муҳайё қилинган. Ҳозир эса коллежда рангтасвир, графика ва ҳайкалтарошлик санъат турлари бўйича 17 та ихтисослик мавжуд.

— Ўқув масканимизда 1279 нафар ўқувчи таълим олмоқда, — дейди коллеж директори Орзиқул Рўзиев. — Ёшларга таълим беришда замонавий педагогик технологиялар, энг сўнгги ахборот манбалари ҳамда ноанъанавий машғулот турларидан самарали фойдаланилаяпти. Педагог ходимларимиз шогирдларининг мантиқий фикрлаш доирасини кенгайтириш, ижодий тасаввурини бойитиш, республика ва халқаро миқёсдаги кўрик-танловларда иштирок этишга бўлган қизиқишини ошириш йўлида тиним билмай изланишмоқда. Коллежда дарс машғулотларидан ташқари, турли тўгараклар ташкил қилинган. Шу билан бирга, кўргазма, очиқ дарс, кўрик-фестиваль, маҳорат сабоғи кўринишидаги тадбирлар ҳам борки, булар ўқувчиларимизни ижодий изланиш ва янгиликка интилиш сари чорлаётганлиги билан аҳамиятлидир.

Коллежда ўқувчиларнинг истеъдодини муносиб баҳолаш учун махсус рейтинг мезонларидан ташқари турли қизиқарли танловлар, маънавий-маърифий тадбирлар ташкил этиш ва шу асосда иқтидорли ёшларни кашф этиш аньана тусини олган. Мутахассисларнинг фикрича, бундай услуб дарс машғулотлари ва тўгарак соатларини ёшларнинг қизиқишига янада мослаштириш, ўқувчиларни фаолликка ундашда ижобий самара берар экан.

(Давоми 2-бетда).

## АЛОҚА ВА АХБОРОТЛАШТИРИШ ХИЗМАТЛАРИ ҲАЖМИ ТОБОРА ОШМОҚДА

БИР РАҚАМ ШАРҲИ

***2011 йил давомида республикамизда алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари ҳажми***
**41,6 фоизга ўсди.**

Бу кўрсаткич бугунги кун талабларига мос бўлиб, унга, аввало, мобиль алоқа ва интернет тармоғи хизматларидан фойдаланадиган абонентлар сонининг кўпайиши ҳисобидан эришилди.

## Ўзбекистон — Жанубий Корея:

# СИНАЛГАН ВА ИШОНЧЛИ СТРАТЕГИК ШЕРИКЛАР

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Мақолада Жанубий Корея Президенти Ли Мён Бакнинг 2011 йил август ойида Ўзбекистонга буюрган давлат ташрифи кўп қиррали муносабатларни янада ривожлантириш жараёнида муҳим босқич бўлгани ҳолда, мамлакатларимиз ўртасидаги стратегик шерикликни янги амалий мазмун билан бойитгани ҳам алоҳида қайд этилади. Ташриф чоғида савдо-иқтисодий, сармоявий ва энергетика соҳаларидаги ҳамкорликни янада ривожлантиришга туртки берган муҳим ҳужжатлар имзоланди. Эришилган битимлар ичида Сургил кони негизида полиэтилен ва полипропилен ишлаб чиқариш бўйича Устюрт газ-кимё мажмуасини қуриш лойиҳаси алоҳида эътиборга моликдир.

Бундан ташқари, дипломатия муносабатлари ўрнатилганининг 20 йиллиги санаси арафасида Ўзбекистонга Жанубий Корея Миллий Ассамблеяси спикери Пак Хи Тэ ташриф буюрди. Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов ҳамда мамлакатимиз ҳукумати аъзолари билан бўлиб ўтган учрашувлар чоғида икки томонлама муносабатларни янада мустаҳкамлаш йўллари муҳокама қилингани ҳолда, мазкур жараёнга кўмаклашиш учун парламентлараро алоқаларни чуқурлаштиришнинг муҳимлиги ҳақида якдил фикр билдирилди.

Маълумки, 1995 йилдан буён икки давлат ташқи ишлар вазирликлари ўртасида мунтазам сиёсий маслаҳатлашувлар ўтказиб келинади. Уларнинг сўнггиси 2011 йилнинг май ойида Тошкентда бўлиб ўтди. Ушбу тадбирлар ўзаро ишонч асосида икки томонлама муносабатларнинг барча қирраларини муҳокама қилиш, ўзаро манфаат касб этадиган долзарб минтақавий ва халқаро масалалар юзасидан фикр алмашиш имконини бермоқда.

Мақолада икки мамлакат маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари даражасидаги ҳамкорлик алоқалари муваффақиятли амалга оширилаётгани ҳам қаламга олинган бўлиб, бундай муносабатлар доирасида Тошкент ва Сеул, Фарғона ҳамда Ёнгин, Наманган ва Сонгам шаҳарлари ўртасида ўзаро ҳамкорлик тўғрисидаги келишувларга эришилгани журналхонлар эътиборига ҳавола қилинади.

Муаллиф савдо-иқтисодий ва сармоявий ҳамкорлик кенгайишининг барқарорлик тамойилини, шунингдек, мамлакатларимиз ўртасидаги икки томонлама савдо-сотиқ ҳажмининг тобора ўсиб бораётганини қайд этар экан, бу борадаги кўрсаткич 2010 йилда 1,6 миллиард АҚШ долларидан зиёдни ташкил қилганини таъкидлайди.

Ўзбекистон ва Корея Республикаси тоғ-кон, нефть-газ, нефть кимёси, қурилиш, автомобилсозлик, тўқимачилик, қишлоқ хўжалиги, шунингдек, энергияни тежаш технологиялари соҳасидаги сармоявий ҳамкорликни янада кенгайтириш учун кенг истиқболга эгадир.

"Бугунги кунда Ўзбекистонда 360 та Жанубий Корея корхонаси фаолият юритаётган бўлиб, уларнинг 59 таси юз фоиз Корея маблағи асосида иш олиб бормоқда. Ушбу корхоналар, асосан, савдо-сотиқ, енгил саноат, тоғ-кон, кимё, озиқ-овқат саноати, машинасозлик ва металлни қайта ишлаш, соғлиқни сақлаш, сайёҳлик ва хизмат кўрсатиш соҳаларига ихтисослаштирилган. Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлигида Жанубий Кореянинг 84 та компанияси ваколатхоналари рўйхатдан ўтган", дея таъкидланади мазкур мақолада.

Шуни ҳам қайд этиш жоизки, икки томонлама ҳамкорликнинг истиқболли йўналишларидан яна бири "Навоий" эркин индустриал-иқтисодий зонаси доирасидаги лойиҳаларни рўёбга чиқариш ҳисобланади. Эркин индустриал-иқтисодий зона ва юк ташиш бўйича дунёнинг етакчи компанияларидан бири бўлган "Кореан Эйр" томонидан бошқарилаётган Навоий шаҳар аэропортидаги логистика маркази имкониятларининг бирлаштирилиши юқори даромадли маҳсулотлар ишлаб чиқарилишининг ривожланишига ҳамда авиация, автомобиль ва темир йўлдан фойдаланган ҳолда амалга ошириладиган юк ташишнинг мультимодал тизими орқали тайёр маҳсулотларнинг дунё бозорига тез етказиб берилиши учун мутлақо қулай шароитларни яратади.

Ўзбекистон ва Корея Республикаси ўртасидаги ҳамкорликнинг яна бир муҳим йўналиши, бу — янги ишлаб чиқариш корхоналарини барпо этиш ҳамда мавжуд ана шундай корхоналарни модернизациялаш мақсадида мамлакатимизга юқори инновация технологияларини жалб қилиш билан боғлиқ истиқболли лойиҳаларни амалга оширишдир. Бундай ҳамкорлик доирасида Ўзбекистон юқори қўшимча қийматга эга бўлган ва энг илғор илмий ютуқларни ўзида мужассам этган технологиялар асосида маҳсулот ишлаб чиқаришни ўзлаштирди ҳамда жаҳоннинг автомобиль ишлаб чиқарувчи давлатлари сафидан жой олди.

Корея Республикаси ҳукуматининг техникавий ёрдами доирасидаги ҳамкорлик Корея Халқаро ҳамкорлик агентлиги (КОИКА) орқали фаол ривожланмоқда. Бугунги кунга келиб, КОИКА дастури бўйича Ўзбекистон вазирлик ва идораларининг 1240 нафардан зиёд вакили Корея Республикасида амалиёт ўтаб қайтди.

Икки мамлакат ўртасидаги маданий-гуманитар соҳадаги ҳамкорлик ҳам муваффақиятли ривожланиб бораётир. Икки давлат халқлари ўртасидаги ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаш мақсадида гуманитар, таълим, сайёҳлик ва спорт соҳасидаги ҳамкорликни кенгайтириш, шунингдек, Тошкент шаҳрида Сеул паркини ташкил этиш тўғрисида келишувга эришилган.

Дарҳақиқат, Корея Республикаси ҳамда Ўзбекистон ҳар жиҳатдан синалган ва ишончли стратегик шериклардир. Корея томони иқтисодиётни ҳамда ижтимоий соҳани тубдан ислоҳ қилиш ва чуқур модернизациялаш бўйича кенг кўламли миллий дастурларимиз амалга оширилишида мамлакатимизни изчил қўллаб-қувватлаб келмоқда. Шундай экан, Ўзбекистон Корея Республикаси билан ўзаро манфаатли муносабатларни янада ривожлантириш ва мустаҳкамлашга интилади. Зеро, бу ҳар икки мамлакат ва халқнинг манфаатларига бирдек хизмат қилади.

**«Жаҳон» АА.**
Сеул

# НАТИЖАЛАР ТАҲЛИЛ ҚИЛИНДИ, ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАБ ОЛИНДИ

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

жалб қилиш ва кредитларни ажратишда банкларнинг ички имкониятларини кенгайтириш юзасидан қатор ишлар амалга оширилганлиги қайд этилди. Ҳозирги кунда банклар балансига берилган 4 та банкрот корхона фаолияти тўлиқ тикланди, 3 та корхона янги инвесторларга сотилди. Ўтган йили кичик бизнес субъектларига ажратилган кредит қўйилмалари ҳажми 1,7 баробарга кўпайди.

Бандлик дастури доирасида 41,8 мингдан ортиқ янги иш ўринлари ташкил этилиб, уларнинг 31,2 мингтаси қишлоқ жойларда яратилгани эътиборга лойиқдир.

Фаоллар йиғилишида, шунингдек, айрим тармоқларда камчилик ва нуқсонларга йўл қўйилаётгани танқид остига олинди. Уларни бартараф этиш ҳамда 2012 йилда ҳудудни иқтисодий ривожлантиришга қаратилган чора-тадбирлар белгилаб олинди.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р. Азимов иштирок этди.

**Азамат ЗАРИПОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

***БУХОРО вилояти фаолларининг йиғилишида 2011 йил якунлари ҳамда 2012 йилда вилоятда иқтисодиётни барқарор ривожлантиришнинг устувор вазифалари муҳокама этилди.***

Вилоят ҳокими вазифасини бажарувчи М. Эсонов бошқарган йиғилишда Президентимиз Ислом Каримов томонидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг жорий йил 19 январда бўлиб ўтган мажлисида белгилаб берилган вазифалар ижроси билан боғлиқ масалаларга алоҳида урғу берилди.

Йиғилишда 2011 йили вилоятда иқтисодиётнинг барқарор ўсиш суръатларига эришилгани айтиб ўтилди. Чунончи, ҳисобот даврида саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш 7,1, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш 7,1, қурилиш ишлари ҳажми 25,6, чакана савдо айланмаси 18, аҳолига пуллик хизмат кўрсатиш 10,2 фоизга ўсди. Натижада ялпи ҳудудий маҳсулотнинг 9,1 фоиз ўсиши таъминланди.

Саноат соҳасидаги корхоналарга 20,7 миллиард сўмлик ва 29,5 миллион АҚШ доллари миқдорида инвестиция жалб этилди. Пировардида 21 турдаги янги маҳсулот ишлаб чиқариш ўзлаштирилди. Шу билан бирга, Маҳаллийлаштириш дастури доирасида олтита корхонада 35,7 миллиард сўмлик маҳсулот тайёрланди. Иқтисодиётнинг реал секторига йўналтирилган кредитларнинг умумий ҳажми эса 17,8 фоизга ошди.

Аҳоли бандлигини таъминлашга қаратилган саъй-ҳаракатлар, хусусан, ҳудудий бандлик дастури ижроси туфайли 74 мингта иш ўрни яратилди. Унинг 81 фоиздан кўпроғи қишлоқ жойларга тўғри келгани диққатга сазовордир.

Мажлисда, шунингдек, 2011 йили вилоят ижтимоий-иқтисодий тармоқларида муайян камчиликларга йўл қўйилгани ҳам қайд этилди. Жумладан, саноат соҳасидаги имкониятлардан самарали фойдаланилмагани танқид остига олинди. Бухоро шаҳри, Қоровулбозор, Пешку ва Қоракўл туманларида саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш бўйича ўсиш суръати вилоят даражасидан анча паст бўлгани қайд этилди.

Мавжуд камчилик ва нуқсонларни бартараф қилиш юзасидан тегишли кўрсатмалар берилиб, жорий йилдаги устувор вазифалар белгилаб олинди.

Бухоро вилояти фаоллар йиғилишида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ғ. Ибрагимов иштирок этди.

**Истам ИБРОҲИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# ЗАМОНАВИЙ АХБОРОТ-КУТУБХОНА – ЮКСАК МАЪНАВИЯТ ОМИЛИ

***Бугунги кунда маънавий етук авлодни шакллантириш, ёшларда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш, чунончи, кучли фуқаролик жамиятини ривожлантиришда билим масканларининг ўрни ниҳоятда беқиёсдир.***

## Тадбир

Бинобарин, истиқлол йилларида бу борада "Юксак маънавият — енгилмас куч" тамойили асосида кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилди. Тегишли ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиниб, изчил такомиллаштирилди. Пировардида халқимизга хос эзгу фазилатлар, қадриятлар булоғи қайта кўз очди, ҳар томонлама баркамол авлодни вояга етказиш учун барча шарт-шароит яратилди. Пойтахтимизда "Ахборот-кутубхона фаолияти тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунидаги нормаларни амалга оширишнинг долзарб вазифаларига бағишланган семинарда ана шулар алоҳида таъкидланди. Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси, Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги ҳамда Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур тадбирда қуйи палата депутатлари, тегишли ташкилотлар ва идоралар ходимлари қатнашди.

Маълумки, юқорида номи зикр қилинган Қонунда ахборот-кутубхона муассасалари тизими, уларнинг мақоми, вазифалари белгилаб берилди. Унинг қабул қилиниши, ўз навбатида, аҳолига хизмат кўрсатиш сифатини юқори даражага кўтариш, китобхонларнинг илмий, маърифий ва маданий эҳтиёжларини замонавий ахборот технологияларига таянган ҳолда қондириш, жабҳанинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва кадрлар билан таъминлаш каби устувор йўналишлар бўйича самарадорликни оширишда катта аҳамият касб этди, албатта.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси аъзоси Х. Каримова айтиб ўтганидек, мазкур ҳуқуқий пойдеворда ахборот-кутубхона муассасалари фондларини шакллантириш, уларнинг сақланишини таъминлаш, электрон каталог ва кутубхоналарни яратиш ҳамда ажратилган ресурслардан ахборот-коммуникация технологиялари асосида ўзаро фойдаланиш ва уларни алмашишга оид нормалар ўз ифодасини топган. Бу эса ушбу тизимнинг замонавий андозалар асосидаги илғор тараққиётини таъминлашга хизмат қилади.

Тадбирда "Ахборот-кутубхона муассасаларининг Ўзбекистон Миллий кутубхонаси билан ҳамкорлигининг долзарб масалалари" мавзуида семинар-тренинг ҳам ташкил этилди. Унда самарали ахборот алмашуви мақсадида корпоратив тизимда ишлаш, янги автоматлаштирилган кутубхона тизимига оид маълумотлар берилди, мутахассисларнинг библиографик ёзувлардан фойдаланиш, йиғма электрон каталогни шакллантириш ва бошқа мавзулардаги маърузалари тингланди.

— Мамлакатимизда барча соҳалар қатори ахборот-кутубхона инфратузилмасини бунёд этиш учун зарур шарт-шароитлар муҳайё қилинди, — деди Миллий кутубхона директори А. Умаров. — Кутубхонамиз ҳам ҳар томонлама кўркам, замонавий қиёфага эга иншоотга жойлаштирилди. У энг сўнгги русумдаги техника ва технологиялар билан жиҳозланди. Жумладан, иш жараёнларини автоматлаштиришга мўлжалланган янгича тизимни жорий этишга алоҳида эътибор қаратилди. Буларнинг барчаси юқори даражада сифатли хизмат кўрсатиш имконини бериши, шубҳасиз. Биргина мисол, илгарилари битта китобни топиш учун иккиуч соатлаб вақт кетган бўлса, бугунги кунга келиб, ахборот-коммуникация технологияларининг сўнгги ютуқлари асосида мазкур юмушни саноқли дақиқаларда бажариш мумкин.

Семинарда иштирокчилар Миллий кутубхона фаолияти билан яқиндан танишдилар.

**Саид МАХСУМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# БЕБАҲО ИЖОД НАМУНАСИ

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

оширилаётган улкан ишлар самарасида ҳазрат Навоийнинг боқий мероси ҳам қадр топиб, маънавий ҳаётимизнинг ажралмас ва муҳим қисмига айланганини қайд этди.

Навоий ижодий меросининг эъзозланиши, хусусан, Президентимизнинг 2011 йил 6 апрелдаги "Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида"ги қарорига асосан, ўзига хос дизайнда чоп этилган 10 жилдлик тўла асарлар тўплами ҳам мутафаккир даҳосига кўрсатилаётган алоҳида эътибор ва эҳтиромнинг ёрқин намунасидир.

Дарҳақиқат, мустақиллик туфайли бизни дунё таниди. Улуғ сиймолар, бетакрор ва бой маданий-маънавий меросимиз, ўлмас қадриятлар, ажойиб миллий анъаналар ва урф-одатларимиз қайтадан тикланди. Президентимиз таъкидлаганларидек, бугун вояга етаётган ва келажак авлодларимизда ота-боболаримиз, буюк аждодларимиз қолдирган бой маънавий ҳамда маданий меросга садоқатни тарбиялаш, муқаддас қадриятларимизни сақлаш ва асраб-авайлаш — бу ҳам бугунги сиёсатимизнинг узвий қисмидир, маънавий бойлигимиз ва маънавий қудратимизнинг далолатидир.

**Мақсуд ЖОНИХОНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# ИСТЕЪДОДЛИ ЁШЛАР

## эртанги кунимизнинг ҳал қилувчи кучидир

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

— Болаликдан рассом бўлишни орзу қилар эдим, — дейди коллежнинг амалий графика йўналиши ўқувчиси Гўзал Ризаматова. — Бу ерда ўқишни бошлагач тушундимки, рассомлик шунчаки хилма-хил ранглар ишлатиб чиройли сурат солишгина эмас, балки худди ўша рангларнинг моҳиятини, уларни қўллай билиш санъатини чуқур ўрганиш ва тушуниш экан. Устозларимиз бу борада бизга яқиндан кўмак беришаяпти. Назарий билимларимизни амалиётда мустаҳкамлаш учун эса коллежимизда ўқув устахонаси, компьютер синфи, кўргазма зали, кутубхона, спорт мажмуаси каби шарт-шароитлар яратилган. Биз, ёшлар мана шу имкониятлардан унумли фойдаланиб, аъло баҳоларга ўқишга, ижодий ютуқларни қўлга киритишга ҳаракат қилмоқдамиз.

Барчага аёнки, фаровон келажакни таъминлаш йўлидаги асосий мақсад-муддаоларимиздан бири — зукко, истеъдодли, ҳаракатчан ва фаол ёшларни тарбиялаш, улар феъл-атворида шижоат, журъату дадиллик хислатларини шакллантиришга эришишдир. Бугун ёш авлод вакилларининг ана шундай ҳавас қиларли жиҳатлари намоён бўлаётган экан, демак, дилдаги эзгу ниятларимиз рўёбга чиқмоқда.



**Муборак ОХУНОВА,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**
**Ҳасан ПАЙДОЕВ**
**олган суратлар.**

## Интилиш

***Янгибозор туманидаги "Дилрабо-Зулфия" фермер хўжалиги раҳбари Азамат Собиров саъй-ҳаракати билан гўштни қайта ишлаш линияси ишга туширилди.***

# Янгибозорликлар шижоати

Бунинг учун 60 миллион сўм эвазига хориждан замонавий технологиялар олиб келиб ўрнатилди. Пировардида 10 та иш ўрни яратилди. Ҳозир бу ерда ойига 10 тонна колбаса маҳсулотлари тайёрланиб, ҳудуддаги савдо шохобчаларига етказиб берилмоқда.

Эътиборли жиҳати, ўтган йили Янгибозор туманидаги 5 та фермер хўжалигида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш йўлга қўйилди.

**О. РАҲИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# МАРДЛИК ФАЗИЛАТЛАРИНИ ТАРБИЯЛОВЧИ МАКТАБ

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Хабарингиз бор, шу кунларда мамлакатимизнинг барча ҳудудларида Президентимизнинг 2012 йил 12 январдаги "Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг муддатли ҳарбий хизматга навбатдаги чақируви ҳамда белгиланган хизмат муддатларини ўтаб бўлган ҳарбий хизматчиларни Қуролли Кучлар резервига бўшатиш тўғрисида"ги қарорига асосан, ёшларни муддатли ҳарбий хизматга тантанали кузатиш маросимлари ўтказилмоқда. Ана шундай тадбирлар Тошкент шаҳар ва Тошкент вилояти мудофаа ишлари бошқармалари йиғин пунктларида ҳам ташкил этилди. Унда давлат ҳокимияти органлари, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати, "Нуроний", "Маҳалла" жамғармалари вакиллари, ҳарбийлар ва чақирилувчиларнинг ота-оналари иштирок этди.

— Армияга бориш истагидаги ёшларнинг жисмоний тайёргарлиги, саломатлиги, билим савияси, оилавий шароитлари батафсил ўрганилмоқда, — дейди Тошкент вилояти мудофаа ишлари бошқармаси масъул ходими, офицер Ҳамробек Бобожонов. — Мана шу босқичлардан муваффақиятли ўтганлар муддатли ҳарбий хизматга қабул қилинаяпти. Сафда турган йигитларга яхшилаб разм солдингизми? Ҳаммасининг қадди-қомати келишган, бўйлари баланд, билаклари бақувват. Энг муҳими, улар келажакда юртимиз равнақига муносиб ҳисса қўшиш ниятидалар. Ана шу мақсадларига эришишда армия катта мактаб вазифасини ўтаб бериши, шубҳасиз.

— Академик лицейда ўқиб, устозларимдан пухта билим олдим, дарслардан бўш пайтларимда эса спортнинг кикбоксинг тури билан шуғулландим, — дейди Янгийўл туманидан чақирилувчи Миржалол Мирзаҳмедов. — Ўсмирлар ўртасида мамлакат чемпионлигини қўлга киритганман. Мана шу жиҳатлар менга муддатли ҳарбий хизматга бориш учун топшириладиган синовлардан муваффақиятли ўтишимда қўл келди. Бугун жудаям хурсандман. Айниқса, эгнимда аскарлик либосини кўрган яқинларимнинг қувонганини айтмайсизми?! Бу, албатта, менга қўшимча куч бағишлайди. Келажакда қайси касбни танлашимдан қатъи назар, билдирилган ишончни оқлашга, элимизга нафи тегадиган инсон бўлишга астойдил ҳаракат қиламан.

— Мен ўзимни дунёдаги энг бахтиёр оналардан бири деб ҳисоблайман, — дейди Чиноз туманидан келган Мунаввар опа Аибова. — Чунки ўғлим Шерзоджон улғайиб, мана, бугун шарафли бурчини адо этиш учун жўнаб кетаяпти. Армия одамни тарбиялайди, мустақил фикрлашга ўргатади. Қисқаси, ҳаётда ўз ўрнини топиши учун катта ёрдам беради. Шерзоджон муддатли ҳарбий хизматни ўтагач, фаолиятини ҳарбий соҳада давом эттирмоқчи. Ниятига эришишида омад ёр бўлсин, деб қоламиз.

Тантанага йиғилганларнинг ҳар бири ана шундай самимият ила муддатли ҳарбий хизматга отланганларга оқ йўл тилади.

**Шавкат ОРТИҚОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ахбороти

*Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2012 йил 7 февралдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, божхона ва бошқа мажбурий тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:*)*

| | |
|---|---|
| 1 Австралия доллари | 1947,93 |
| 1 Англия фунт стерлинги | 2866,12 |
| 1 Дания кронаси | 319,96 |
| 1 БАА дирҳами | 494,64 |
| 1 АҚШ доллари | 1816,76 |
| 1 Миср фунти | 301,29 |
| 1 Исландия кронаси | 14,73 |
| 1 Канада доллари | 1827,17 |
| 1 Хитой юани | 288,02 |
| 1 Россия рубли | 60,08 |
| 1 Украина гривнаси | 227,39 |
| 1 Малайзия ринггити | 603,57 |
| 1 Польша злотийси | 568,57 |
| 1 СДР | 2817,72 |
| 1 Туркия лираси | 1033,19 |
| 1 Швейцария франки | 1971,74 |
| 1 евро | 2392,72 |
| 10 Жанубий Корея вони | 16,22 |
| 10 Япония иенаси | 236,83 |

**) Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.*

ЖАҲОН 24 соат ичида

## Музей фаолияти тўхтатилади

***Буюк Британиянинг “Jaguar” автомобилсозлик компанияси жорий йил сентябрь ойида ўзига тегишли музейни ёпишга мажбур эканини билдирди.***

Бунга музей жойлашган Ковентри шаҳридаги бино сотилгани сабаб бўлган. Ҳозир бу ерда 1986 йилдан бошлаб ишлаб чиқарилган “Jaguar” русумидаги 150 дона машина сақланмоқда.

Маълумот ўрнида айтиб ўтамиз, компаниянинг Ковентри шаҳридаги бўлимида автомобиль йиғиш ишлари 1951 йилда йўлга қўйилган эди. Аммо 2005 йилга келиб бу ерда ишлаб чиқариш тўхтатилган ва орадан икки йил ўтиб, бино сотиб юборилган.

## Тўғонга дарз кетди

***Болгария жанубидаги Каламица дарёсига ўрнатилган тўғонга зарар етиши оқибатида тошқин юз бериб, беш киши ҳаётдан кўз юмган.***



Қолаверса, Бисер қишлоғи сув остида қолди. Тезкор чора-тадбирлар туфайли ушбу ҳудудда яшовчи аҳоли вакиллари хавфсиз жойларга кўчирилган.

Шунингдек, Харманли округидаги тўртта қишлоқда тошқин хавфи юзага келган. Белград — Истамбул йўналишида қатновчи поезд темир йўлдан чиқиб кетган.

## Энг муносиблар тақдирланди

***Сербиялик теннисчи Новак Жокович ва кениялик енгил атлетикачи Вивиан Черуйот спорт соҳасидаги энг нуфузли соврин — “Laureus World Sports Awards” мукофоти билан тақдирланди.***

Уларнинг ушбу совринга лойиқ кўрилгани бежиз эмас. Негаки, бу спортчилар ўтган йили юқори натижаларга эришдилар. Жумладан, Новак “Катта дубулға” туркумига кирувчи учта мусобақада ғолиб бўлди. Вивиан эса Жанубий Кореянинг Тэгу шаҳрида ўтказилган жаҳон чемпионатида 5000 ва 10 000 метр масофага югуриш баҳсларида олтин медаллар билан тақдирланди.

## Қидирув ишлари давом эттирилмоқда

***Япониянинг Курасаки шаҳридаги сув остида жойлашган 140 метрлик нефтни қайта ишлаш тоннели қулаб тушган.***

Маҳаллий “Nippon Oil” компаниясига қарашли бўлган мазкур иншоотда кўнгилсизлик юз берган пайтда у ерда олти киши бор эди. Улардан бирининг ҳаёти сақлаб қолинган, бошқаларининг тақдири эса номаълум.

Фалокат сабаби ҳам аниқ эмас. Воқеа жойида қидирув-қутқарув гуруҳи иш олиб бормоқда.

## Кечикаётган парвозлар

***Франциянинг “Air France” авиакомпанияси ходимлари томонидан уюштирилаётган иш ташлаш туфайли режадаги парвозлар кечикмоқда, дейилади “France Presse” ахборот агентлиги хабарида.***

Масалан, 6 февралда 85 фоиз халқаро, 75 фоиз маҳаллий рейслар амалга оширилган. Душанба куни бошланган норозилик намойишларида учувчилар, борт кузатувчилари ва бошқа хизмат кўрсатиш ходимлари иштирок этмоқда.

Жорий йилнинг январь ойида мамлакат парламенти қуйи палатаси томонидан қабул қилинган қонунда авиация ходимларининг ҳуқуқ ва манфаатларига оид баъзи чекловлар назарда тутилгани ушбу тартибсизликларни келтириб чиқарди.

***Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.***

Биз ва жаҳон

*Яқинда Шанхай экспертлар ҳамжамияти орасида алоҳида нуфузга эга бўлмиш Фудан университетида Ўзбекистон тақдимоти ўтказилди. Ўзбекистон Республикаси ва Хитой Халқ Республикаси ўртасида дипломатия муносабатлари ўрнатилганининг 20 йиллиги муносабати билан уюштирилган мазкур тадбир мамлакатимизнинг Шанхайдаги Бош консуллиги томонидан ташкил этилди.*

# ФУДАН УНИВЕРСИТЕТИДА ЎЗБЕКИСТОН ТАҚДИМОТИ

Тақдимотда Хитой ва Ўзбекистон ўртасидаги дўстона алоқалар қадим ўтмишга бориб тақалиши, дунёдаги халқаро ва минтақавий вазиятлар қай даражада ўзгармасин, Хитой — Ўзбекистон алоқалари ҳамиша ўсувчан ва барқарор аҳамият касб этгани ҳамда бундай омиллар, ўз навбатида, каттадан-катта муваффақиятларга эришиш имконини бериб келаётгани бир неча бор таъкидланди. Сиёсий соҳада мамлакатларимиз ўртасидаги ишонч, иқтисодиётдаги ўзаро манфаатли ҳамкорлик ва хавфсизлик соҳасидаги яқин муносабатлар, шунингдек, икки томонлама манфаатли бўлган масалалар юзасидан бир-бирини қўллаб-қувватлашлар бу фикрни яққол тасдиқлайди. Тадбирда сўзга чиққанлар таъкидлаганидек, ҳозирги пайтда томонлар БМТ, ШҲТ ва бошқа кўп томонлама тузилмалар доирасида нафақат минтақа, балки бутун дунёнинг тинчлиги ҳамда барқарорлигига салмоқли ҳисса қўшиб келаётгани ҳолда, яқин ҳамкорликни тобора ривожлантирмоқда.

**Фудан университети ҳузуридаги Россия ва Ўрта Осиё тадқиқотлари маркази директори Чжао Хуашен** Ўзбекистон қадимий тарихга эга мамлакат эканини таъкидлади. У республика раҳбариятининг тарихий мерос, халқнинг моддий ва маънавий қадриятлари, ислом маданияти обидаларини сақлаш ҳамда бойитиш юзасидан амалга ошираётган чора-тадбирларига эътибор қаратди. Марказ директори замонавий Ўзбекистон ҳудудида дунё цивилизацияси тараққиётига бебаҳо ҳисса қўшган кўплаб буюк олим ва мутафаккирлар, давлат ҳамда дин арбоблари яшаб ижод қилганини алоҳида қайд этди.

Чжао Хуашен ҳозирги босқичда ўзбек халқи мустақилликка эришилганидан кейинги мураккаб даврда сиёсий ва иқтисодий бошбошдоқликка йўл қўймасдан, Ўзбекистонни барқарор равишда ривожланаётган давлатлар қаторига олиб чиққан Президент Ислом Каримов раҳбарлиги билан фахрланиши лозимлигини айтди.

Айнан сиёсатнинг иқтисодиётдан устунлигига йўл қўймаслик, ислоҳотларнинг фалаж қилиб даволаш усулини рад этиш, аҳоли ижтимоий жиҳатдан кучли ҳимоя қилиниши долзарблигининг устувор ҳисобланиши бўйича асосли ҳаракатлар Ўзбекистоннинг бугунги муваффақиятлари гарови бўлди. Олимнинг сўзларига кўра, Ўзбекистон жаҳон оммавий ахборот воситаларида кўпинча Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти Давлат раҳбарларининг кенгаши, Осиё Тараққиёт банки саммити сингари йирик халқаро тадбирлар муваффақиятли ўтказиладиган нуфузли мамлакат сифатида эътироф этилмоқда.

Хитой учун Ўзбекистон ҳамиша ишонч билан суяниш мумкин бўлган яқин қўшни диёрдир, зеро у ўзининг бурч ва мажбуриятларига содиқ эканлигини кўп маротаба исботлаган мамлакат ҳисобланади.

Хитойлик экспертнинг фикрича, Пекин ҳамда Тошкент ўртасида муаммолар ва баҳсли масалаларнинг йўқлиги, муҳим манфаатларни ўзаро ҳисобга олиш ҳамда халқаро ва минтақавий майдонда бир-бирини қўллаб-қувватлаш, тарихий муштараклик, расмий доираларнинг ўзаро фойдали шерикликни ривожлантириш юзасидан икки томонлама интилишнинг мавжудлиги каби қатор муҳим омиллар ҳисобга олинадиган бўлса, ҳар икки мамлакат кўп қиррали ҳамкорликни янада ривожлантириш бўйича улкан истиқболга эга эканлигига шубҳа йўқ.

Олимнинг фикр билдиришича, республикани модернизациялаш бўйича келгуси ҳаракатларда ҳам иқтисодиётга эътибор қаратиш давом эттирилиши мақсадга мувофиқдир. Зеро, глобал инқироз шароитида айнан иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш тараққиётнинг ҳаракатлантирувчи кучи, хорижий давлатлар, жумладан, Хитой билан ҳамкорликни кенгайтиришнинг муҳим омили сифатида хизмат қилади.

**«Жаҳон» АА.**
Шанхай

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ ВАЗИРЛИКЛАР, ДАВЛАТ ҚЎМИТАЛАРИ ВА ИДОРАЛАРНИНГ НОРМАТИВ-ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАРИНИ ДАВЛАТ РЎЙХАТИДАН ЎТКАЗИШ ҲОЛАТИ ТЎҒРИСИДА 2012 ЙИЛ 14 ЯНВАРДАН 27 ЯНВАРГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТНИ МАЪЛУМ ҚИЛАДИ.**

***I. Давлат рўйхатидан ўтказилди:***

1. «Кредит бюросининг ижро органи раҳбари лавозимига тавсия этилаётган номзодларга нисбатан қўйиладиган малака талаблари тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2011 йил 10 декабрдаги 37/10-сонли қарори.*

**2012 йил 19 январда 2315-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2012 йил 29 январдан кучга киради).**

2. «Кредит бюроларида ички аудит ўтказишга ва кредит бюроларининг йиллик ҳисоботларига нисбатан қўйиладиган талаблар тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2011 йил 10 декабрдаги 37/9-сонли қарори.*

**2012 йил 19 январда 2316-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2012 йил 29 январдан кучга киради).**

3. «Электрон архив тўғрисидаги намунавий низомни тасдиқлаш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги «Ўзархив» агентлиги бош директорининг 2011 йил 22 декабрдаги 89-сонли буйруғи.*

**2012 йил 23 январда 2317-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2012 йил 2 февралдан кучга киради).**

4. «Кредит бюроларининг техник ва дастурий воситаларига ахборот хавфсизлиги ва муҳофазасини таъминлаш бўйича қўйиладиган талаблар тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2011 йил 20 декабрдаги 38/5-сонли қарори.*

**2012 йил 23 январда 2318-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2012 йил 2 февралдан кучга киради).**

*(Давоми бор).*

● Реклама ва эълонлар ●

AL-RAMI
«eurofence» тўрли панель тўсиқлари
спорт майдончалари, тураржой, паррандачилик фермалари ва бошқа катта ҳудудларни тўсишда қўлланилади.
Буюртма бўйича ўлчамдаги катак тўрни тайёрлаш.
Буюртма бўйича турли мураккабликдаги металлдан тайёрланган маҳсулотлар: фермалар, устунлар (колонна), парапетлар ва ҳоказолар.
Болғалаб безак бериб ясаш (художественная ковка), панжаралар, тутқичлар (перила), дарвозалар ва бошқалар.
Том, сунъий ҳавза, ҳовуз (бассейн)ларни ёпиш учун ПВХ-мембрана, маҳсулот кафолати — 50 йилгача.
www.stroyca.uz al-rami@inbox.ru (+99890) 187-44-65.
133R/1126

СОТАМИЗ:
• ИСИТИШ ҚОЗОНЛАРИ* 15 кВтдан 2000 кВтгача
• БЛОКЛИ АВТОНОМ ҚОЗОНХОНАЛАР 100 кВтдан 5000 кВтгача
• НЕФТЬ, ГАЗ ва КИМЁ САНОАТИ УЧУН ЖИҲОЗЛАР*: турли хил ҳажмдаги, босимга чидамли идишлар, сепараторлар, тиндиргичлар, иссиқликни алмаштириб турувчи қурилма, шовқинни пасайтирадиган мослама, машъала устуни ва каллаги, технологик реакторлар.
• ЗАМОНАВИЙ ИССИҚХОНА МАЖМУАЛАРИ ТАЙЁР ҲОЛАТДА.
Буюртма бўйича.
* Маҳсулот сертификатланган.
Офис тел.: (8-370) 715-01-48, 715-05-32.
Моб. тел.: (+99870) 713-96-80, (+99870) 713-70-10, (+99897) 711-58-65, (+99870) 346-92-25.
e-mail: chks.uz@mail.ru www.chk-uz.com
47R/1506

«Ўзмелиомашлизинг»
давлат лизинг компанияси
қошида ташкил этилган, мелиорация
ва қишлоқ хўжалиги техникаларига сервис
хизмати кўрсатишга ихтисослаштирилган
«МЕЛИОМАШЛИЗИНГСЕРВИС»
ШЎЪБА КОРХОНАСИ
хорижда ишлаб чиқарилган
гидравлик экскаватор ва бульдозерларни
бошқариш, шунингдек, уларга техник хизмат
кўрсатиш бўйича олий маълумотли,
3 йилдан кам бўлмаган меҳнат стажига
эга муҳандис-техник,
механик-таъмирловчи ва бошқа
техник мутахассисларни
ишга таклиф қилади.
Мурожаат учун телефонлар:
(8-371) 239-46-24, 239-46-25.
Электрон почта манзили: info_job@uzmml.uz
Компания сайти: uzmml.uz
144R/104

ТАРОЗИЛАР Micros®
Ўзбекистондаги расмий ҳамкор
CAS корпорацияси (Жанубий Корея)
МАССА-К Акциядорлик жамияти
0,0001 гр дан 250 тоннагача



Қиш чегирмалари
Сертификатланган + Сифат + Кафолат + Сервис
- Кичик Бешёғоч кўчаси, 86 (Глинка кўчаси, олдинги шаҳар ГАИси қаршисида), тел.: (998 71) 281 4364, 281 4724, факс 281 4365;
- Тўйтепа кўчаси, 5 (Давлат поликлиника бекати), тел.: 232 0661, 236 0449, 233 6007;
- Беруний кўчаси, (”Тинчлик” метро бекати), тел.: 242 4252, 249 3950
www.micros.uz; e-mail: scales@ucd.uz, micros@ucd.uz
181R/920

Фойдали алоқаларингизни имкон қадар кенгайтиринг!
2012 йил, 28 февраль – 2 март
Ўтказиш жойи: «Ўзэкспомарказ», Тошкент, Ўзбекистон
UzBuild
13-Ўзбекистон Халқаро
ҚУРИЛИШ КЎРГАЗМАСИ
aqua-therm Tashkent International
1-Халқаро
ИСИТИШ, ҲАВО АЛМАШТИРИШ, СОВИТИШ, СУВ ТАЪМИНОТИ, САНТЕХНИКА ВА ҲОВУЗЛАР КЎРГАЗМАСИ
mebel expo Uzbekistan
9-Ўзбекистон Халқаро
МЕБЕЛЬ ВА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ КЎРГАЗМАСИ
• UzBuild
• Aqua-Therm Tashkent
• MebelExpo Uzbekistan
– бу – тўрт кун, икки павильон, 150 та компания, 24 иштирокчи мамлакат, минглаб тармоқ мутахассислари ва салоҳиятли ҳамкорлар.
Кўргазмаларнинг расмий очилиш маросими
28 февраль 2012 • соат 11:00 да.
Кўргазмаларнинг ишлаш вақти:
28 февраль 11:30 - 18:00 | 1 март 10:00 - 18:00
29 февраль 10:00 - 18:00 | 2 март 10:00 - 16:00
Қатнашиш масалалари юзасидан ташкилотчилар офисига мурожаат қилинг: 113-01-80.
Ташриф буюрувчилар кўргазмалар сайтларида On-line режимида рўйхатдан ўтишлари мумкин:
www.uzbuild.uz
www.aquatherm-tashkent.uz
www.mebelexpo.uzbuild.uz
153R/115
ITE Uzbekistan
100000, Ўзбекистон, Тошкент ш., Мустақиллик шоҳкўчаси, 59-«А».
Тел.: (+998 71) 113 01 80, Факс: (+998 71) 237 22 72, E-mail: post@ite-uzbekistan.uz, Web: www.ite-uzbekistan.uz
Guvohnoma № 3583

«ТОШКЕНТ ТРУБА ЗАВОДИ» ҚК
ўзида ишлаб чиқарилган маҳсулотни сотади.
(ҚҚС билан)
«Тошкент труба заводи» ҚК сизга шуни маълум қиладики, бизнинг корхона «API-5L» стандарти бўйича Ø325, Ø377, Ø426, Ø530, Ø630, Ø720, Ø820, Ø920, Ø1020, Ø1220, Ø1420, Ø1620 мм.гача, деворининг қалинлиги 6,0 — 24,0 мм. бўлган, электрпайвандланган, спирал чокли қувурлар ишлаб чиқаришни ўзлаштирди.
Қувурлар X42 мустаҳкамлик гуруҳи бўйича ишлаб чиқарилади.
Қувурлар 3845-65 ГОСТ бўйича гидравлик босимда синовдан ўтказилган.
Баҳоси — 1 тонна учун 3 950 000 сўм. Тўлов пул ўтказиш йўли билан.
2012 йилдаги эҳтиёжни йил чоракларига бўлиб беришингизни сўраймиз.
130R/
Телефонлар: (8-371) 241-31-72, 241-29-94. Факс: (8-371) 241-31-94.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Аграр, сув хўжалиги масалалари ва экология қўмитаси Қўмита аъзоси Азим Шукурович Латиповга волидаи муҳтарамаси **ФОТИМА аянинг** вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор этади.

“Халқ сўзи” ва “Народное слово” газеталари ижодий жамоаси Ўзбекистон халқ ёзувчиси, газетамиз таҳрир ҳайъати аъзоси Анвар Обиджонга волидаи муҳтарамаси **МУНИСХОН аянинг** вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти жамоаси Технологик машина ва жиҳозлар кафедраси доценти Алишер Аҳмедовга волидаи муҳтарамаси **РАЪНОХОН аянинг** вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

# МИЖОЗ МАНФААТИ ВА САМАРАЛИ ФАОЛИЯТ

*Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йилнинг асосий якунлари ва 2012 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган мажлисида мамлакатимиз молия-банк тизимида юз бераётган ижобий ўзгаришлар алоҳида эътироф этилди. Жумладан, охирги беш йил давомида республикамиз банк сектори капиталининг етарлилик даражаси банк назорати бўйича Базель қўмитаси томонидан 8 фоиз этиб белгиланган халқаро меъёрдан уч баробар кўп бўлган даражани ташкил қилаётгани, "Стандарт энд Пурс", "Мудис" ва "Фитч Рейтингс" каби нуфузли халқаро рейтинг агентликлари икки йилдан буён Ўзбекистон банк тизимига муттасил равишда "барқарор" рейтинг даражасини бераётгани мамнуният билан қайд этилди. Қолаверса, аҳолининг ушбу тизимга бўлган ишончи ортиб бораётгани банклар фаолияти самарадорлигининг муҳим кўрсаткичи ҳисобланиши таъкидланди. Шу маънода, 2011 йилда депозитларга 18 триллион сўмдан ортиқ, ўтган йилдагига нисбатан 36,3 фоиз кўп маблағ жалб қилингани, хусусан, аҳоли депозитлари 38,8 фоизга ошгани, айниқса, эътиборлидир.*

*Молия бозорида барқарор ва ишончли фаолият юритиш учун мижозларга ҳар доимгидан-да сифатли, тезкор хизмат кўрсатиш, уларнинг талаб-истакларини қондириш, дастлабки мурожаатидаёқ барча зарур шароитларни муҳайё қилиш, ўзига хос иш услуби ва маданиятига эга бўлишга интилаётган "Ўзсаноатқурилишбанк" жамоасининг бугунги фаолиятидан ҳам кўпчилик мамнун. Буни мазкур молия муассасаси кўмагига таяниб, ўз бизнесини йўлга қўйган, яхши даромад орттириб, эндиликда мамлакат равнақига муносиб ҳисса қўшаётган тадбиркорларнинг самимий дил изҳорларидан ҳам англаш мумкин.*




O'ZSANOATQURILISHBANK

## Кичик бизнесда катта ютуқлар

**Кўп эътибор қиламан. Давлатимиз раҳбари ҳар бир чиқишларида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш масаласига алоҳида тўхталиб, бу соҳанинг тараққиёти биз учун муҳим аҳамиятга эга эканини бот-бот таъкидлайдилар. Чунки кичик бизнеснинг ривожланиши, энг аввало, аҳолини иш билан таъминлашдек ўта долзарб вазифани ҳал этишнинг самарали йўлидир. Бу дунёнинг ривожланган давлатлари тажрибасида ҳам ўз исботини топган.**

Бугунги кунда мазкур соҳанинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 54, аҳоли бандлигини таъминлашдаги ҳиссаси эса 74 фоиздан зиёдни ташкил этаётгани ислоҳотлар самарадорлигининг амалий ифодасидир.

Масъулияти чекланган жамият шаклидаги "MAR PAK" Ўзбекистон — Хитой қўшма корхонамиз 2002 йилда фаолият бошлаган. Биз ХХРнинг "KANTAY" корхонаси билан ҳамкорликда гўшт ва гўшт маҳсулотлари ишлаб чиқаришни йўлга қўйганмиз. Қисқа фурсат ичида ўз мижозларимизга эга бўлдик, уларнинг ишончини қозондик. Президентимиз томонидан "Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили" деб эълон қилинган 2011 йилда эса имкониятларимиз янада кенгайди. Гап шундаки, "Ўзсаноатқурилишбанк" ОАТБ Юнусобод филиали ажратган 100,0 миллион сўм миқдоридаги узоқ муддатли кредит эвазига Хитой Халқ Республикасидан энергияни тежамкор, юқори самарадорликка эга сут маҳсулотларини қайта ишлаш ва қадоқлаш ускуналарини сотиб олдик. Натижада ўтган йил давомида халқимиз дастурхонига 60,7 миллион сўмлик сут маҳсулотлари етказиб бердик, соф фойдамиз 12,1 миллион сўмни ташкил қилди.

Янги ишлаб чиқариш технологияларининг фаолиятимизга жалб этилиши савдо ҳажми ва даромад миқдорини ошириш билан бирга, янги иш ўринлари яратилишига асос бўлди. Албатта, энг аввало тадбиркорларнинг яқин кўмакчисига айланган "Ўзсаноатқурилишбанк"нинг алоҳида ўрни бор.

Мамлакатимизда ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш масаласига алоҳида эътибор қаратилиб, тадбиркорлик субъектларига қатор солиқ ва божхона имтиёзлари жорий этилган, молиявий имкониятлар яратиб берилган. Ана шундай шарт-шароитлардан бахраманд бўлиб фаолият юритаётган жамиятимиз 2012 йилда ҳам юртимиз равнақи, халқимиз фаровонлигига муносиб ҳисса қўшишни мақсад қилган.

**Мурод ҚУДРАТОВ,**
**«MAR PAK» МЧЖ раҳбари.**
Чилонзор тумани

- *Жаҳоннинг икки энг нуфузли халқаро рейтинг агентлиги — "Fitch Ratings" ҳамда "Standard & Poor's" "Ўзсаноатқурилишбанк" фаолиятини муносиб баҳолаб, уни ишончли ва барқарор молия муассасаси сифатида эътироф этди. "Standard & Poor's" халқаро агентлиги "Ўзсаноатқурилишбанк"нинг узоқ муддатли кредитга лаёқатлилик рейтингини илгари берилган рейтингдан ҳам бир поғона юқори баҳога лойиқ, деб топди.*
- *Банкнинг Низом жамғармаси 148 миллиард сўмга етди.*

### Факт ва рақамлар

- *2012 йил 1 январь ҳолатига кўра, банкнинг кредит қўйилмалари миқдори 2 триллион 312 миллиард сўмдан ошиб кетди.*
- *Банк ўтган йил давомида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш мақсадида қарийб 298,9 миллиард сўм миқдорида кредит маблағлари ажратди. Ана шу сармоялар ҳисобига 8 мингдан зиёд иш ўринлари яратилди.*
- *Бугунги кунда банк балансига қабул қилинган жами 15 та собиқ банкрот корхона негизида ташкил этилган замонавий 9 та муассасада ишлаб чиқариш яна тўлиқ йўлга қўйилди. Жорий йилнинг 1 январь ҳолатига кўра, мазкур корхоналарга жами 54,5 миллиард сўм миқдорида инвестициялар киритилди. Қарийб 1200 та иш ўрни яратилди.*
- *Банк мижозлари сони 1 миллиондан ошиб кетди.*
- *2011 йил мобайнида банк томонидан 757080 донадан зиёд пластик карточка муомалага чиқарилди.*

## Ҳамкорликнинг амалий натижаси

**Мамлакатимизда қишлоқ хўжалигининг муҳим тармоқлари — чорвачилик, паррандачилик, балиқчилик ва асаларичиликни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Қабул қилинган давлат дастурлари, ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар асосида мазкур йўналишларда фаолият юритаётган тадбиркорлик субъектларига бир қатор имтиёзлар жорий қилинганки, бу аҳолини сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш, турмуш фаровонлигини янада оширишда муҳим аҳамият касб этаётир.**

Балиқчиликка ихтисослаштирилган "Соф ҳавзалар" масъулияти чекланган жамиятимиз 2008 йилда ташкил қилинган. Мана шу қисқа фурсат ичида биз фаолиятимизни тўғри йўлга қўйиб олишга эришдик. Бунда "Ўзсаноатқурилишбанк" ОАТБ Қашқадарё минтақавий филиали билан ўрнатган ҳамкорлигимиз асосий омил бўлмоқда. Масалан, биргина 2011 йилда мазкур банк томонидан жамиятимизга балиқчиликни ривожлантириш учун 120,0 миллион сўм миқдорида имтиёзли кредит ажратилди. Бу ишлаб чиқариш самарадорлигига ўз ижобий таъсирини кўрсатди. Жумладан, 2010 йил давомида 61 тонна балиқ етиштирган бўлсак, 2011 йилда бу рақам 118 тоннани ташкил этди. Ўтган йили кўплаб иш ўринлари яратилди, шунингдек, ишчи-хизматчиларимизнинг иш ҳақлари жамият даромадига қараб ошириб борилмоқда.

Мутахассисларнинг таъкидлашича, бир кишининг кундалик балиқ истеъмол қилиш меъёри ўртача 30 граммдан иборат бўлиши керак экан. Бу йилига қарийб 11 килограмм деган гап. Энди мамлакатимиз аҳолисининг ушбу маҳсулотга бўлган йиллик эҳтиёжи қанча эканини тасаввур қилиб кўраверинг. Демак, балиқчиликка ихтисослаштирилган хўжалик ва жамиятларнинг зиммасига катта масъулият юкланган.

Балиқ захираларимизнинг ортиб бораётгани туфайли шуни ишонч билан айтишимиз мумкинки, 2012 йилда ўтган йилдагига нисбатан кўпроқ маҳсулот етиштирамиз. Шунингдек, қўшимча янги иш ўринлари ташкил қилиш ҳам асосий мақсадларимиз сирасига киради.

**Зафар ҚИЁМОВ,**
**«Соф ҳавзалар» МЧЖ раҳбари.**
Нишон тумани




*"Сурхон комбинати" масъулияти чекланган жамияти 2010 йил бошидан эътиборан "Ўзсаноатқурилишбанк" ОАТБ Сурхондарё минтақавий филиали мижози бўлиб, темир-бетон маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган корхоналардан бири ҳисобланади.*

## Эзгуликка йўналтирилган сармоялар

Бугунги кунда жамиятимизда 75 нафар ишчи-хизматчи меҳнат қилаяпти, уларнинг аксарияти ёшлардир.

Очиғини айтиш керак, фаолиятимиз давомида бир қатор иқтисодий қийинчиликларга дуч келган давримиз ҳам бўлди. Ана шундай пайтда "Ўзсаноатқурилишбанк" билан ҳамкорликни йўлга қўйганимиз ва аҳил жамоамизнинг меҳнати туфайли муаммоларни ўз вақтида бартараф этишга, ишлаб чиқариш барқарорлигини таъминлашга эришдик. Масалан, ўтган йили банкнинг Сурхондарё минтақавий филиали Хитойдан замонавий тош ва қум саралаш ускунаси сотиб олишимиз учун 350,0 миллион сўм миқдорида узоқ муддатли, темир-бетон маҳсулотлари тайёрлашга хом ашё харид қилишимиз учун 650,0 миллион сўм миқдорида қисқа муддатли кредит маблағлари ажратди. Натижада қувватларимиз ошди. Эндиликда "Сурхон комбинати"да бир суткада 150 куб метр турли хилдаги темир-бетон маҳсулотлари ишлаб чиқарилмоқда. Улар сифатли ва бозорбоп бўлганлиги боис мамлакатимиз йўл ҳамда мелиорация қурилишлари, шунингдек, қишлоқ жойларда намунали лойиҳалар асосида барпо этилаётган уй-жойларда кенг қўлланилмоқда.

2012 йилдаги режаларимиз ҳам улкан. Суткасига 800 тонна тош ва қум саралаш ускунасини ишга тушириб, қўшимча 20 та иш ўрни ташкил этишни мақсад қилганмиз. Юртимизда Президентимиз раҳнамолигида тадбиркорларга яратиб берилаётган кенг имкониятлар, шунингдек, "Ўзсаноатқурилишбанк"дек ишончли ҳамкоримиз борлиги бизнинг ана шу ниятларимизга эришишимизда муҳим омил бўлиб хизмат қилади, албатта.

**Ўрол ЖАББОРОВ,**
**«Сурхон комбинати» МЧЖ раҳбари.**
Қумқўрғон тумани




Яқинда Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ва Тошкент шаҳар ҳокимлиги ҳамкорлигида пойтахтимизда "Тадбиркорлик — мустаҳкам оила пойдевори" мавзуида бизнес-форум ташкил этилган эди. Ана шу тадбир доирасида республика тижорат банклари томонидан энг мукаммал деб топилган 80 та лойиҳа эгасига 27,5 млрд. сўм миқдорида имтиёзли кредитлар олиш ҳуқуқини берувчи сертификатлар топширилди. Жумладан, "Ўзсаноатқурилишбанк" банкининг Тошкент шаҳар минтақавий филиали мижозлари ҳисобланувчи "Импрон нон", "Avtocar Rental", "Ayubxon Stom-Servis", "Рута" масъулияти чекланган жамиятлари, шунингдек, "Каллисто", "Билол полвон" хусусий корхоналарига ана шундай сертификатларни тақдим этди.

*Жаҳонда кичик бизнесни ривожлантирмай туриб, иқтисодий ўсишга эришган, ишсизлик муаммосини ижобий ҳал қилган, аҳоли даромадини ва фаровонлигини оширишга муваффақ бўлган бирор бир давлат йўқ. Қайси бир тараққий этган мамлакат тажрибасига эътибор қаратманг, улар иқтисодиётида айнан мазкур соҳа муҳим ўрин тутишига гувоҳ бўласиз.*

## Чорвачилик ривожига ҳисса қўшамиз

Мамлакатимизда ҳам мустақилликнинг илк йиллариданоқ кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга устувор вазифалардан бири сифатида эътибор қаратилмоқда. Давлат тузилмаларининг ишбилармонлар фаолиятига аралашувини кўпроқ чеклаш, хусусий тадбиркорларга зарур ресурсларни сотиб олиш ва ўз маҳсулотларини сотиш учун бозорларга чиқиш имкониятларини кенгайтириш, уларга молиявий кўмак, қўшимча солиқ имтиёзлари бериш каби қатор қулайликлар шулар жумласидандир. Бундай эътибор ва ғамхўрлик кўлами, айниқса, Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йилида янада яққолроқ намоён бўлди.

2011 йилда фермер хўжалигимизда чорвачиликни ривожлантириш мақсадида наслли қорамоллар сотиб олиш учун бизнес-режа ишлаб чиқдик. Уни керакли ҳужжатлар билан бирга "Ўзсаноатқурилишбанк" ОАТБ Қибрай филиалига тақдим этдик. Орадан ҳеч қанча вақт ўтмай, мазкур молия муассасасидан бизга 300,0 миллион сўм миқдорида кредит ажратилди. Шу орқали "Насл-хизмат" уюшмасидан 62 бош "Гольштин" зотли қорамол сотиб олдик. Умуман, 2009 — 2011 йиллар давомида хўжалигимизда боқилаётган чорва моллари сони 90 бошга кўпайиб, 2012 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра, 173 бошни ташкил қилмоқда.

Эътиборлиси, хўжалигимизга наслли моллар олиб келиниши туфайли 6 та иш ўрни яратилди. Бу яна шунча оилага қўшимча даромад кириб боришини англатади.

Президентимиз томонидан 2012 йилнинг "Мустаҳкам оила йили" деб эълон қилиниши биз, фермерларга ҳам ғайрат ва шижоат бахш этди. Сабаби фермер хўжаликларида, асосан, оила аъзолари меҳнат қилиши ҳаммамизга яхши маълум. Йил давомида фаолиятимизни янада ривожлантириб, юртимиз равнақи, элимиз фаровонлиги, оилалар мустаҳкамлиги йўлида баракали меҳнат қилиш ниятидамиз.

**Шуҳрат МИРАҲМЕДОВ,**
**«Чинобод Мираҳмедов Шуҳрат» фермер хўжалиги раҳбари.**
Қибрай тумани

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 254. 107 942 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 233-52-55;
Котибият 233-10-28; Эълонлар 232-11-15.

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда операторлар Ж. Тоғаев ва М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — Ю. Ҳамидов.
Навбатчи муҳаррир — У. Файзиева.
Навбатчи — Д. Улуғмуродов.
Мусаҳҳих — Ҳ. Тошхўжаев.

ISSN 2010-8788

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 20.45 Топширилди — 21.40 1 2 3 4 5